

Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими Вазирлиги
Тошкент шаҳар педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малаксини ошириш
институти
“Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари” кафедраси

Ш.Ю. Махмудов

**Ўрта Осиё хонликларида давлат бошқарув тизими (қиёсий таҳлил).
Методик қўлланма**

Тошкент - 2013

Ушбу методик қўлланма 2013 йилнинг 18 декабрдаги 6- сонли илмий кенгаш қарори билан чоп этишга тавсия қилинган. Мазкур методик қўлланмадан умумтаълим мактабларининг тарих фани ўқитувчилари ҳамда талабалар фойдаланиши мумкин.

Маъсул муҳаррир:

т.ф.д. проф. Г.А.Агзамова
ЎзРФА Тарих институти
етакчи илмий ходими

Такризчилар:

т.ф.н. Қ. Матҳолиқов
ТШПКҚТМОИ, “Ижтимоий фанлар
ва маънавият асослари” кафедрасининг
катта ўқитувчиси.
т.ф.н. Г.Султонова
ЎзРФА Тарих институти
катта илмий ходими

Кириш

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг Республиканинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида катта ўзгаришлар юз бера бошлади. Маънавий ҳаётнинг ажралмас қисми бўлган тарихга янгича кўз билан, ҳолисона, илмий жиҳатдан ҳеч бир мафкуравий ақидасиз ёндашиш имконияти пайдо бўлди. Илгари совет мафкурасига хизмат қилган тарих фани олдида ўзбек халқининг тарихий хотирасини тиклаш, ҳаққоний тарихини яратиш вазифаси қўйилди. «Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш, миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жарёнида ғоят муҳим ўрин тутди», – деб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти И.Каримов¹.

Мазкур жараёнда Ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганиш, уни ҳолисона таҳлил этиш муҳим омиллардан бири ҳисобланади. «...ўзбек тарихчиларининг бугунги кундаги асосий вазифаси... давлатчилигимизни илмий нуқтаи назардан асосланган тарихини яратишдир», – деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов².

1998 йил 26 июнда бир гуруҳ тарихчи ва журналистлар билан бўлган учрашувда ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июль «ЎзР ФА Тарих институтининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» ги қарорида тарих фани олдида ўз ечимини кутиб турган долзарб мавзу ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихини ўрганиш эканлиги белгилаб берилди.

Қарийб уч минг йиллик тарихга эга ўзбек давлатчилиги ўзининг бутун тараққиёти давомида юксалиш ва инқирозли даврларни бошидан кечирди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 140.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 12.

Қадимги даврларда Ўзбекистон ҳудудида юзага келган Хоразм, Бактрия, Парфия, Фарғона давлатларида ўзбек давлатчилиги асослари ва анъаналари шакллана бошлади. Улар Марказий Осиё халқлари сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган Кушонлар, Эфталлийлар, Ашиналийлар, Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжукийлар, Ануштегинийлар сулолалари вакиллари томонидан янада ривожлантирилди ва янги тарихий тажриба билан бойитилди. Ўзбек давлатчилиги Амир Темур ҳукмронлиги даврида сифат жиҳатдан энг юқори босқичга кўтарилди. Жуда катта ҳудудларни бирлаштирган марказлашган давлатни тузишга муваффақ бўлган ва ҳукмдорнинг кучини адолат асосида юритиладиган сиёсатда деб билган Амир Темур даврида марказий ва маҳаллий бошқарув тизими такомиллаштирилди, иқтисодий ҳаётни жонлантириш борасида давлатнинг роли ортиб борди, солиқларни ундириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги тадбирлар такомиллаштирилди. Бироқ, бу жараён Амир Темур ва унинг авлодлари – Темурийлардан сўнг Ўрта Осиё сиёсий ҳаёти сахнасига келган турли сулола ва давлатлар томонидан ижобий ривожлантирилмади. Натижада XVIII-XIX аср биринчи ярмида давлатчиликнинг турли элементлари – маъмурий бошқарув тизими, солиқлар тизими, қўшин, давлатнинг иқтисодий ҳаёт борасидаги сиёсати, аҳолининг ижтимоий ҳимояси давр талабларига жавоб бера олмай қолди. Бу ҳолатни Ўрта Осиё хонликлари мисолида яққол кузатиш мумкин.

**1-Боб. Ўрта Осиё хонликларидаги давлат бошқарувининг шаклланиши,
ҳукмдор ҳузуридаги “Кенгаш” фаолияти ва “Хон кўтариш
маросими”нинг ўзига хос жихатлари**

Ўрта Осиёда Темурийлардан сўнг ҳукмронлик тизгинини қўлга олган Шайбонийлар даврига келиб, давлат бошқарув тизими ўзгара бошлади. Шайбонийларга қадар ўтган сулолаларнинг марказий бошқарув тизимига назар солинса, у даргоҳ ва девондан иборат бўлганини кузатиш мумкин. Даргоҳ – ҳукмдор бошлиқ энг олий давлат идораси, девонлар эса маълум бир доирадаги вазифаларни бошқарувчи вазирликлар ҳисобланар эди. Мукаммал тартибга келтирилган бундай бошқарув тизими Бухоро хонлигида Аштархонийлар даврига келиб тўлиқ ўзгарганлиги яққол кўзга ташланади. Азамат Зиёнинг таъбири билан айтганда, бу даврда «...мазкур тизим (даргоҳ ва девонлар) йўққа чиққан ва ижроия вазифалари тўғридан-тўғри саройдаги у ёки бу лавозимда ёки бирон бир арбоб фаолиятида мужассамлашган» эди³. Демак, турли амалдорлар фаолият юритган махсус вазирликлар зиммасидаги вазифаларни биргина шахсга юклатиш билан девонлар фаолиятига чек қўйилган. Бу ҳолат бошқа Марказий Осиё давлатларида ҳам кузатилади. Жумладан, бу даврда Хива хонлигининг давлат бошқаруви ҳам шу усулда амалга оширилган⁴.

Бухоро хонлигида Аштархонийлар сулоласи ҳукмронлигининг заифлашуви оқибатида вужудга келган Қўқон хонлиги давлат бошқарувида ҳам айнан шу тизим шаклланиб борган.

Тарихий манбалар маълумотлари Қўқон хонлигида шаклланган марказий бошқарув тизими хусусида қуйидагиларни аниқлашга имкон берди. Қўқон хонлигида ҳукумат қароргоҳи хон ўрдасида жойлашган бўлиб, давлат

³ Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи... – Б. 295.

⁴ Қаранг: Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер эғалиги ва давлат тузилиши. – Т.: 1959.

аҳамиятига молик барча масалалар ушбу саройда ҳал қилинган. Марказий бошқарув тизими ҳам тўлалигича ўрдада мужассамлашиб, унда фаолият юритувчи барча амалдорлар хон ҳузуридаги Олий Кенгаш таркибига киритилган. Марказий бошқарув олий ҳукмдор, кейин маслаҳат органи бўлган кенгаш, ундан сўнг ижроия вазифаларидаги масъул амалдорлардан иборат бўлган.

Давлат ўзининг ички ва ташқи сиёсати, жамият билан олиб боровчи алоқаларини асрлар давомида шаклланиб, мукаммаллашиб борган мураккаб бошқарув органига таяниб, амалга оширган. Бу орган Ўрта Осиё хонликларида ҳукмдорларнинг ҳузуридаги Олий Кенгаш бўлиб, тарихий манбаларда у «маслаҳат», «хос мажлис», «машварат», «мажлиси султоний» каби сўзлар билан ифодаланади.

Қўқон ҳукмдорлари ҳузуридаги кенгаш ҳақида XIX асрда хонликда бўлган россиялик зобитлар, элчи ва сайёҳлар, кенгашда қўрилган масалалар ҳақида эса маҳаллий муаллифлар томонидан муҳим маълумотлар ёзиб қолдирилган. 1813-1814 йилларда Қўқонда бўлган Сибир корпуси таржимони Ф.Назаров ўзининг эсдаликларида кенгаш ҳақида тасаввур қилишга хизмат қилувчи қизиқарли ҳолатни баён этади. Унинг ёзишича, «ҳукмдорнинг юқори кенгашини ташкил этувчи бир қатор вазирлар ва давлат амалдорлари тахти-равон ёнига солинган гиламлар устида даражаларига кўра ўтирар эдилар»⁵.

Ф.Назаровнинг кенгаш ҳақида берган ушбу маълумоти нафақат Қўқон хонлигига, балки Марказий Осиёда ўша даврда мавжуд бўлган бошқа давлатларга ҳам хос умумий хусусиятдир.

⁵ Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии / Текст подготовил В.А. Ромодин. – М.: Наука, 1968. – С. 41.

Кўқон хонлигидаги Олий Кенгашнинг таркиби ҳақида сўз борар экан, унинг таркибига марказий давлат бошқарувидаги барча мансабдорлар аъзо этиб киритилганлигини алоҳида таъкидламоқ лозим. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Кўқон хонлигининг бош вазири бўлган мингбоши ҳамда олий диний мансабдор – шайхулислом кенгашнинг доимий аъзоси бўлган. Шунингдек, хонликнинг бош қозиси, яъни қозикалон ва ҳарбий ишлар бўйича икки судья – қози аскар ҳам кенгашда иштирок этган⁶. XIX асрнинг 30-йилларига келиб марказий давлат бошқарувида муҳим вазифалар қаторига кирган дастурхончи ва рисолачи ҳам кенгаш аъзоси эканлиги ҳақида В.В.Вельяминов-Зернов ўз асарида қайд этади⁷.

Марказлашган давлат тузишда бир қатор ислохотларни амалга оширган Умархон (1810-1822) бир неча уламоларга ҳам кенгашда иштирок этиш учун жой берган. Бу ҳақда «Тарихи Шоҳрухий» асарида «...хукми шаръийни жорий айлаб, ҳар вақт амирнинг (Умархоннинг – Ш.М.) мажлисида уламои муҳаққиқлар (ҳақиқат изловчилар) бўлиб», – дея қайд этилади ва бир қатор юқори мавқеъга эга бўлган дин пешволари ва давлат арбоблари, жумладан, Зокирхўжа эшон, домла Мирзо Калон, домла Мўминжон Мавлавий, Султонхон тўра Аҳрорий, Маҳмудхон тўра Аҳрорий, Маъсумхон тўра ва Жаҳонгирхон тўра каби шахсларнинг номлари келтириб ўтилади⁸.

XIX аср тадқиқотчиси В.Григорьевнинг маълумотига кўра, Худоёрхоннинг биринчи ҳукмдорлигида кенгаш тўртта кипчокдан иборат бўлган⁹. Мусулмонкул ёш Худоёрхонни тахтга ўтказгандан сўнг оталик унвонига ҳам эга бўлиб, давлат бошқарувини тўлалигича қўлга киритади. У

⁶ Обзорение Кокандского ханства в нынешнем его состоянии // Зап РГО, 1849. – С. 205.

⁷ Вельяминов-Зернов В.В. Исторические известия о Кокандском ханстве от Мухаммед-Али до Худаярхана. – СПб. 1856. – С. 20

⁸ ЎЗР ФА ШИ қўлёзма, инв. № 4463. - 121 а. варақ.

⁹ Григорьев В.В. Современные монеты Кокандского ханства // Труды Восточного отделения императорского археологического общества. 1856. Вып. 2. Ч. 2 – СПб. – С. 116.

марказий давлат бошқарувидаги муҳим вазифалар – парвоначи, дастурхончи, рисолачи каби мансабларга қипчоқлардан тайинлаб, ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаб олади. Маҳаллий манбаларда Мусулмонқули 1845 йил ҳукмронликни ўз қўлига олган даврда марказий давлат бошқарувида қипчоқларнинг улуғлари бўлган Муҳаммад Диёр, Мулло Холбек дастурхончи, Раҳмонқули додхоҳлар ҳақида маълумотлар берилган. Демак, бундан кўринадики, Худоёрхон ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Мусулмонқули ушбу мансабдорлар билан кенгаш олиб борган. Тарихий манбаларнинг кўрсатишича, XIX асрнинг 60-йилларига келиб кенгаш кенгайтирилиб, марказий давлат бошқарувидаги 12 кишидан иборат мансабдорлар кенгаш таркибига киритилади¹⁰.

Ушбу маълумотлар Қўқон хонлигининг ҳар бир ҳукмдори даврида кенгаш аъзолари, уларнинг сони ва аъзоларининг таркиби ўзгариб турганлигини кўрсатади. Бунинг сабаблари турлича бўлиши мумкин эди. Юқоридаги каби ҳолат бутун ҳокимият биргина васийнинг қўлида тўпланган ҳолларда, жумладан, Мусулмонқули мингбоши каби шахснинг ҳокимиятни ўз қўлида узоқроқ ушлаб турганида кузатилади. Улар бошқарувнинг каттик усуллари кўллаб, марказий бошқарув органининг маслаҳат органи сифатидаги ваколатини чеклаб қўйганлар. Бу ҳолат уларга мамлакатни авторитар тарзда бошқаришга имкон берган. Шунингдек, ушбу ҳолат сиёсий кучлар карама-қаршилиги ва кураши, аҳолининг турли кўринишлардаги норозиликларига олиб келган¹¹.

Тарихий маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, баъзи пайтларда хонлик марказий давлат бошқарувидаги муҳим мансабларни эгаллаган қўшбеги ёки парвоначи каби мансабдорлар бирор вилоятга ҳоким этиб

¹⁰ Кокандское ханство по новейшим известиям // Туркестанский сборник, Т. 23. – С.65.

¹¹ Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства... – С. 39 - 45.

тайинланганда олий ҳукмдор ҳузуридаги Олий Кенгашда уларнинг ўрни вақтинчалик бўш турган. Бундай ҳолларда уларнинг вазифасини бир амалдор бажарган, яъни унинг зиммасига икки турдаги вазифани бажариш юклатилган.

Қирғизистонлик ҳуқуқшунос С.Сооданбеков «Кўкон тарихига бевосита ва билвосита алоқадор бўлган манбалар, шунингдек, архив материалларида Умархон ҳукмронлиги давригача бўлган вақтга оид бирон бир кенгашнинг давлат органи сифатидаги фаолияти ҳақидаги маълумотлар йўқ»¹², – деб ёзади. Афсуски, С.Сооданбеков Кўкон тарихига оид маҳаллий манбаларда Умархондан олдин Абдукаримбий (1733-1750) ва Эрдонабий (II – даври 1753-1762) лар ҳукмронлиги даврида ҳам Олий кенгаш фаолият юритгани ҳақида маълумотлар борлигини билмаган. Аниқроғи, у ушбу тадқиқотида фақат XIX асрда чоп этилган Россиялик тадқиқотчиларнинг маълумотларидан фойдаланиб, маҳаллий манбаларни умуман эътиборга олмаган.

«Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин» асарида Абдукаримбий ҳузурида кенгаш мавжуд бўлганлиги тасдиқланиб, бу кенгашда «умаро ва фузалолар пинҳоний маслаҳат»¹³ қилишлари ва муайян масалалар юзасидан қарор чиқаришлари ҳақида хабар берилади.

Маҳмуд Ҳаким Яйфоний ҳам Кўкон ҳукмдорлари давлат аҳамиятига молик масалаларни ҳал қилишда кенгашга таяниб, иш юритганликларини тасдиқлайди. У Эрдонабий (II – даври 1753-1762) давлат бошқарувида ҳар қандай масалаларни ҳал қилишда ҳар доим кенгашга таянганлигини қайд қилади¹⁴.

¹² Сооданбеков.С.С. Общественный и государственный строй Кокандского ханства. – Бишкек: 2000. – С. 86.

¹³ Мирзо Олим Мушриф. Ансоб ус-салотин... – Б. 17.

¹⁴ Маҳмуд Ҳаким Яйфоний. Хуллас ут-таворих... – Б. 7.

Ушбу маълумотларга асосланиб, Қўқон хонлигида Умархон даврида эмас, балки Қўқоннинг дастлабки ҳукмдорлари ҳузурида ҳам давлатнинг ички ва ташқи масалаларини ҳал этишда махсус кенгаш фаолият юритган, деган фикрни илгари суриш мумкин.

Фуқароларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, давлатнинг салоҳиятини кўтариб, ҳар жиҳатдан тараққий эттириш, хорижий ёки қўшни мамлакатлар билан иқтисодий ва сиёсий дипломатик муносабатлар ўрнатиш давлатчиликнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Ҳукмдорлар давлат бошқарувида ижобий ислоҳотлар олиб боришга интиланлар. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий ҳаёт ва давлатнинг ташқи алоқалари масалаларида салоҳиятли мансабдорларнинг маслаҳатлари ҳукмдорлар учун муҳим аҳамият касб этган.

Қўқон ҳукмдорлари ҳузуридаги кенгашнинг фаолияти хусусида, яъни унда қандай масалалар кўрилган, деган саволга ҳам маҳаллий муаррихлар асарларида мавжуд бир қанча маълумотларга суянган ҳолда баъзи аниқликларни киритиш мумкин. «Тарихи Туркистон» асарида шундай маълумот келтирилади: «[Олимхон] кўп уламо ва фузалолардин ўрдага таклиф айлаб, мажлиси хос барпо айлаб, қўшин воқеъи ва душман аҳволотини ва ул душманнинг дафъи ва Фарғонанинг осойишталиғи ва раоёнинг бесаранжон бўлмаслиғи ва хифзи мамлакат хусусидаги маслаҳатни ботариқа илтимоси арз қилган...»¹⁵. Қўқон ҳукмдорларининг кенгаш билан айрим масалалар юзасидан маслаҳат қилгани ҳақидаги маълумотлардан яна бирини Аваз Муҳаммад Атторнинг «Тарихи Жаҳоннамои» асаридан топиш мумкин. Унинг ёзишича, Бухоро амирлиги вилояти бўлган Шаҳрисабз Россия империяси томонидан босиб олингандан сўнг унинг ҳокими Бобобек Қўқонга қараб йўл олади. Бу хабарни эшитган Худоёрхон танг аҳволда қолади ва

¹⁵ Мулло Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон... – Б. 29.

Бобобекни Қўқонда қолдириш ёки Қошғарга ўтказиб юбориш масаласида марказий бошқарув тизимидаги мансабдорлар билан маслаҳат қилади¹⁶.

Ўзбекистон давлатчилиги тарихида ўчмас из қолдирган ҳукмдор Амир Темурнинг «...давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан бажо келтирилишини англадим», деган сўзлари кенгашнинг давлат бошқарувида жуда муҳим ўрин тутганлигидан далолат беради. Қўқон ҳукмдорлари учун ҳам кенгаш фаолияти ва қарори муҳим аҳамият касб этган.

Қўқон хонлигида ҳам Бухоро амирлиги ва Хива хонликларидаги каби ҳокимият тепасида олий ҳукмдор – хон турган ва Олий Кенгашнинг марказий фигураси ҳисобланган. Тарихдан маълумки, олий ҳукмдорлик отадан болага, акадан укага ёки бирор қариндошга насиб этиши мумкин бўлган. Шундай бўлса-да, янги ҳукмдор тайинланишида ҳукмрон доира вакиллари, шунингдек, кенгашнинг таъсири кучли эди. Шу ўринда, Қўқон хонлигида давлатнинг бошқарув тизимида турли шахсларни мансабдор этиб тайинлаш, уларнинг бу мансабларга тайинланиш вақтида ўтказилган маросим ва удумлар ҳам ўзбек давлатчилигининг қадимий анъаналари билан боғлиқлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Давлат бошқарувида муҳим ўрин тутган удумлардан бири олий ҳукмдорни тайинлаш, яъни «хон кўтариш» маросими бўлиб, бу маросим ўзига хос хусусиятларга эга эди.

«Хон кўтариш» маросими аниқ бир тартиблар асосида ва доирасида амалга оширилган. Тарихий манбалар Ўрта Осиё хонликларида олий ҳукмдорни оқ кигизга ўтказиб, хон кўтариш тадбири узоқ вақтдан бери қўлланиб келинганидан далолат беради. Масалан, VI асрга оид манбалар маълумотларига кўра, бу даврда Ўрта Осиёда мавжуд бўлган Турк ҳоконлигида йирик амалдорлар тахт ворисини кигизга ўтказиб, қуёш

¹⁶ Аваз Мухаммад Аттор. Тарихи Жахоннамои // Шарқ юлдузи. 1991. – № 8. – Б. 137.

ҳаракатига монанд равишда тўққиз марта айлантирганлар ва ҳар бир айланишда маросим иштирокчилари янги ҳоқонга таъзим қилганлар¹⁷.

Қўқон хонлигида бошқа Ўрта Осиё хонликларидаги каби ҳукмрон доирадаги мансабдорлар ушбу маросимда янги ҳукмдорга ўз итоаткорликларини билдириб, байъат (қасамёд – Ш.М.) қилишган, сўнгра уни оқ кигизга ўтқазиб кўтаришган. Маросимдан сўнг янги хон халққа эълон қилинган¹⁸.

Ушбу маросим ҳақида «Тарихи Туркистон» асарида муҳим маълумотлар мавжуд. Асар муаллифининг ёзишича, Умархонни (1810-1822) тахтга ўтқазиб маросими қуйидагича кечган: «Умархонни ўзбек хонлари расмича оқ намадга солиб, қорилар «Анна фаттахна» сурасини ўқиб, кўтариб, Фарғона тахтига ўтқазиб, тамоми жам бўлган халойиқлар таҳният ва муборакбод овозасини аршу аълоға еткурубдурлар»¹⁹.

«Хон кўтариш» маросимида оқ кигизнинг тўрт учини жамиятнинг турли вакиллари ушлаб турганлар. Буни ёрқин ифодаловчи маълумотлардан бирини Мирзо Олим Мушриф келтириб, қуйидагиларни қайд этади: «Шералихон аркони давлат ўрдаға дохил бўлдилар эрса, дафътан тамоми уламо ва фузало ва машойих ва хожа ва мулла ва бойлар жамоат бўлиб, дуо айлаб, муборак қилиб, яна бошқадин оқ кийгизга солиб, хон кўтариб, санаи бир минг икки юз эллик саккизда тахти мурассаға ўлтурғуздилар»²⁰.

Хонлик марказий бошқарув тизимида ҳам мансабга тайинланиш турли тартибларда амалга оширилганлигини кўриш мумкин. Аксарият ҳолларда янги тайинланган мансабдорга кимхоб тўн кийдирилиб, олий ҳукмдорнинг муҳри босилган ёрлиқ берилган. Қўқон хонлигида бошқа хонликлардан

¹⁷ Қаранг. Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи... – Б. 83.

¹⁸ Бу маросим Бухоро ва Хива хонликларида ҳам шундай тарзда амалга оширилган.

¹⁹ Мулло Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон... – Б. 36 - 37.

²⁰ Мирзо Олим Мушриф. Ансоб ус-салотин... – Б. 23.

фарқли ўлароқ фақат ҳудайчи мансабига тайинланиш ўзгача усулда бўлган. Худайчи мансабига тайинланаётган кишига кимхоб тўн ва ёрликдан ташқари олтин ҳасса ҳам берилган. Буни «Тарихи Шоҳрухий» асаридаги «Муҳаммад Норхўжа тожикни боамали худайчига сарафроз қилиб, қўлига олтин асо бердилар»²¹, – деган маълумотдан билиш мумкин.

Таҳлил этилган тарихий маълумотлар Қўқон ҳукмдорлари ўз ички ва ташқи сиёсатини ўзига хос маслаҳат органи – Олий кенгашга таяниб юритганликлари, бу орган хонлик ташкил топган даврлардан буён шаклланиб, ривожланиб келганлиги, айрим тарихий даврлар ва шароитларда унинг фаолияти янада юқори босқичга кўтарилгани ёки ҳукмронликнинг авторитар усулларни кучли қўллаган ҳукмдорлар даврида эса имконият доираси янада торайганлиги, таркибида муайян ўзгаришлар содир бўлганлигини кўрсатади. Хонлик бошқарув тизимидаги маслаҳат органи – Олий кенгашнинг мавжудлиги Қўқон ҳукмдорлари хонликни тарихий ворисийлик, ўзбек давлатчилиги анъаналари асосида бошқаришга ҳаракат қилганликларини намоён этади.

²¹ ЎЗР ФА ШИ қўлёзма, инв. № 4463. – 97 б варак

2 - Боб. Ўрта Осиё хонликларининг марказий бошқарув аппарати ҳамда унда жорий қилинган мансаб ва унвонларнинг қиёсий таҳлили

Ўрта Осиё хонликлари марказий бошқарув аппарати бир биридан унчалик фарқ қилмаган деган фикрлар яқин йилларга қадар устун эди. Аммо олиб борилган илмий тадқиқотлар Ўрта Осиё хонликлари давлат бошқаруви бир бирига ўхшаш бўлмаганлигини кўрсатади. Гарчи, Ўрта Осиё хонликларида мансаб ва унвонларнинг номлари бир хил бўлсада, уларнинг зиммасидаги вазифаларда кескин фарқларнинг борлиги юқоридаги фикрга асос бўлади. Албатта Ўрта Осиё хонликларидаги давлат бошқарув системаси ўзаро биринчисидан иккинчисига ўтган. Лекин давр ўтиши ва давлатларнинг мустақил сиёсат юритиш натижасида уч хонликдаги бир хил аталадиган мансаб ва унвонларнинг фаолияти ўзгаргарлиги ёки ўзгартирилганлигини кўрсатади.

Қўқон хонлигининг марказий бошқарув тизими Бухоро ва Хива хонликлари бошқарув тизимига нисбатан кам ўрганилган бўлиб, Қўқон тарихининг у ёки бу масалаларига доир тадқиқотларда хонликдаги давлат бошқарувининг умумий ҳолати хусусида айрим фикрлар билдирилади. Бирок уларда хонлик бошқарув тизимининг ютуқ ва камчиликларини ўзида акс эттирган бутун манзараси очиб берилмаган.

Хонлик марказий бошқарув тизими ва унда фаолият юритган мансаблар ва мансабдорлар тўғрисида ўша даврда яратилган манбаларда бир қатор маълумотлар келтирилади. Бу маълумотларни қиёсий ўрганиш, таҳлил этиш ва умумлаштириш орқали мазкур масалага ойдинлик киритиш мумкин.

Ўрта Осиё хонликларида давлатнинг маъмурий-бошқарув тизимида муҳим мансабларни эгаллаган амалдорларни икки тоифага бўлиш мумкин. Булар дунёвий ҳамда диний мансаб ва амаллар эгалари бўлиб, дунёвий ишларга масъул амалдорлар «умаро» (امرا), диний вазифадагилар эса «уламо»

(علما) деб юритилган. Шу боис тарихий манбаларда давлатнинг маъмурий-бошқарув тизимида муҳим роль ўйнаган мансабдорларни англатган «умаро» ва «уламо» атамалари кўп учрайди. А.Семеновнинг кўрсатишича, бу атамалар Бухоро амирлигида ва Қўқон хонлигида ҳам қўлланилган²².

Муҳаммад Ҳакимхон тўра «Мунтахаб ут-таворих» асарида хонлик марказий бошқарувида бешта вазир бўлганлигини эслатиб ўтади. Бу вазирлар XIX асрнинг ўнинчи йилларига қадар хонликнинг марказий бошқарув тизимида фаолият кўрсатган ва давлатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида олиб борган сиёсатини амалиётга татбиқ этишга масъул бўлган. Қайд этиб ўтиш керакки, бундай ёки бунга яқин маълумот бошқа манбаларда учрамайди. Муҳаммад Ҳакимхон қайд этган вазирлардан бири девонбеги эди²³. Муаррихнинг хабар беришича, Қўқон ҳукмдори Олимхон 1810 йилнинг январ ойида Чимкент ва Авлиё ота ҳудудларига ҳарбий ҳаракат уюштирган вақтида унга нисбатан саркардалар ўртасида норозилик пайдо бўлади ва бу ҳолат қўшиннинг тарқаб кетишига олиб келади. Шундан сўнг олий ҳукмдор Олимхон бир мулозими билан Қўқонга қайтишга мажбур бўлади. Муҳаммад Ҳакимхон шу воқеаларни баён этар экан, «Ўшал вақт ул беш вазирни бири Зухур девонбеги эрдик, Амир Олимхоннинг хизматиға қолиб эрди»²⁴, – деб ёзади. Мазкур маълумотдан давлатнинг марказий бошқарув тизимида бешта асосий вазир бўлганлиги ва улардан бири девонбеги мансабини эгаллаганлиги маълум бўлади. Хонлик марказий бошқарув тизимидаги беш вазирдан яна бири қўшбеги бўлиб, бу хусусида ҳам «Мунтахаб ут-таворих» асарида маълумот берилади²⁵. Фикримизча,

²² Семенов А.А. Очерк устройства центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени. – Сталинабад: 1954. – С. 59.

²³ Девонбеги – хон девонинг сардори. Қаранг: Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан (XIX - XX аср бошлари) – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – Б. 15.

²⁴ ЎЗР ФА ШИ қўлёзма, инв. №594. – 273 б варақ.

²⁵ Ўша жойда, – 227 а варақ.

учинчи вазир иноқ унвонига эга бўлган мансабдор бўлса керак. Олимхон 1806 йилнинг май ойида Ўратепага қилган ҳарбий юришида ғалабага эришиб, мазкур вилоятга Қадам иноқни ҳоким этиб тайинлайди. Манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳукмдорлар марказий бошқарув аппаратидаги юқори мавқега эга бўлган ҳамда ўзига яқин мансабдорларни вилоятларга ҳоким этиб тайинлаган.

Қўқон хонлиги тарихига оид бўлган барча манбаларда XIX асрнинг бошларига қадар кечган тарихий жараёнлар ҳамда тахтга ўтирган ҳукмдорлар ва уларнинг давлат бошқарувида олиб борган фаолиятлари ёритилади. Бироқ уларда мансаб ва мансабдорлар номи XIX асрнинг ўнинчи йилларидан кейинги даврларда ёритилгандагига нисбатан жуда кам учрайди. Шунинг учун ҳам хонликнинг марказий бошқарув тизимини, хусусан, Муҳаммад Ҳакимхон тўра эътироф этган беш вазирдан айримларининг қандай мансаб ва унвонга эга бўлганлигини ҳамда уларга қандай вазифалар юклатилганлигини аниқлаш қийинлашади.

XIX асрнинг бошларига келиб, Қўқон хонлигини идора этишда бир қатор ислохотлар амалга оширилади. Олимхоннинг (1798-1810) мамлакат ҳудудини кенгайтириш борасида олиб борган ҳарбий ҳаракатларини Умархон (1810-1822) давом эттириб, марказлашган давлатни кучайтиришга ҳаракат қилди. Умархон тахтга ўтирган йилидан бошлаб савдо дипломатик алоқаларни йўлга қўйиб, марказий ҳокимиятда бир қатор янги вазифа ва мансабларни жорий қилди. Юқорида айтилганидек, Қўқон хонлари Олимхон, Умархон ва Муҳаммад Алихон ҳукмронлик қилган даврларни кенгроқ ёритиб берувчи «Мунтахаб ут-таворих» асарида хонлик марказий бошқарувига оид бир қанча маълумотлар берилади. Улардан аён бўлишича, давлат бошқарувидаги турли мансаб ва амалларга олий ҳукмдорнинг буйруғи билан турли амалдорлар тайинланган. Буни асар муаллифининг қуйидаги сўзлари

ҳам тасдиқлайди: 1815 йилда Умархон «.. эшон Тўрахожа Махдуми Аъзамий ва эшон Султонхон хожа Ахрорийларни хожа калон(ликка) (حواجهء کلان) сарафроз айлади. Ва бизни отамизни (Маъсумхон тўрани – Ш.М) шайхулисом (شیخ الاسلام) деди ва фақирни бовужуди кичик бўлсам ҳам боамали нақибға (نقیب) от қўйди. Ва Мирзо Охундни қозикалон (قاضى کلان) ва Раҳмонкулибийни оталиқ (اتالیق) ўнг қўл ва Эшон тўрани ўроқ (اوراق) ва Мирзо Қаландарни қози аскар (قاضى عسكر) ва эшонхон ва Файзи тўра ва Хонхўжа мирасад (میراسد) ва Умарали хўжа ва Подшоҳхўжани садр (صدر) ва Қосимбекни девонбеги ва Исҳоқбекни девонбеги (دیوان بیگی) ва Муҳаммадкулибекни мирзабоши (میرزا باشی) ва Ражабни қўшбеги (قوشبیگی), Саййидкулибек ва Эрназарбекни парвоначи (پروانچی)»²⁶, – этиб тайинлади. Қўқон хонлиги тарихига оид манбаларда мавжуд маълумотларга асосланиб, хонликнинг марказий бошқарув тизимидаги мансабларни икки гуруҳга – дунёвий ва диний амалларга ажратиш мумкин. (Иловада 1 ва 2 жадваллар).

Қўқон хонлигининг марказий бошқарув тизимидаги мансабдорларнинг фаолиятини ўрганиш орқали ушбу органнинг фаолиятига ойдинлик киритиш мумкин.

Давлат бошқарувида олий ҳукмдордан кейинги ўринда бош вазир турган бўлиб, у *мингбоши* (منگباشی) номи билан аталган. Қўқон хонлиги бош вазири бўлган мингбоши ва унинг фаолияти хусусида В.Наливкин, «...ушбу амалдор давлатнинг барча ички ишларини бошқариб, ... шу билан бирга ташқи сиёсий ишларда ҳам хоннинг бош маслахатчиси бўлган»²⁷, – деб ёзади.

Бу ўринда шуни маълум қилиш лозимки, хонлик тарихига оид манбалар ва архив ҳужжатларида Умархон ҳукмронлигига қадар мингбоши номи учрамайди. Бу мансаб Умархон томонидан таъсис этилиб, 1810 йилда

²⁶ ЎЗР ФА ШИ қўлёзма, инв. №594. – 281 б, – 282 а варақлар.

²⁷ Наливкин. В. Краткая история кокандского ханства... – С. 112.

унга Шоҳи Марғилоний исмли шахс тайинланганлиги бир неча манбаларда қайд қилиб ўтилади²⁸. Лекин бу билан Қўқон хонлигида, Умархон ҳукмронлигига қадар бош вазир вазифасини бажарадиган мансабдор бўлмаган деган хулосага келмаслик керак. «Мунтахаб ут-таворих» асарида келтирилган Норбўтабий ҳукмронлиги давридаги бош вазир тўғрисидаги маълумот бу масалага ойдинлик киритади. Мазкур асарда Хўжанд вилояти ҳокими Абдурахмон Баҳодирнинг қўшбеги мансабида фаолият юритган укаси Норбўтабийнинг бош вазири бўлганлигига ишора қилинади. Хусусан, асарда: «Ул вақтда Абдурахмон Баҳодир Хўжанд вилоятида ҳукмронлиғ қилур эрди. Ва анинг бир биродари бор эрди, қўшбеги деган. Ва ул Норбўтабийнинг мутаъмад катта саркардаси эрди. Тамоми мамлакат анинг иқтидор қўлида эрди»²⁹, – деб қайд қилинади. Муаррих томонидан Абдурахмон Баҳодирнинг укасининг асл исми тилга олинмаса-да, унинг (قوش بيگى) «қўшбеги» деб аталиши қўшбеги мансабида бўлган, деган фикрни илгари суришга имкон беради. Чунки ўша даврда мансабдорларни эгаллаб турган мансабининг номи билан аташ кенг расм бўлган бўлиб, бу ҳолатни тасдиқловчи маълумотларни бошқа тарихнависларнинг асарларидан ҳам топиш мумкин. В.Наливкиннинг юқорида зикр этилган асарида бу масалага ойдинлик киритилиб, Норбўтабий даврида қўшбеги мансабида бўлган киши Абдулла исмли эканлиги ва у, айнан, Хўжанд ҳокими Абдурахмоннинг укаси эканлиги қайд этилади³⁰.

Келтирилган тарихий маълумотлар Умархонга қадар давлатда бош вазир вазифасини қўшбеги бажарган дейишга асос бўлади. Ўз навбатида нима учун бош вазир вазифасини ўзида мужассамлаштирган қўшбеги ўрнини

²⁸ Ўз ФАШИ қўлёзма, инв. № 4463. – 98 б варақ; Мулла Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон... – Б. 37; Махмуд Ҳаким Яйфоний. Хуллас ут-таворих... – Б. 26.

²⁹ Ўз ФАШИ қўлёзма, инв. №594. – 227 а варақ.

³⁰ Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства... – С. 69 - 70.

мингбоши эгаллади, деган савол туғилиши табиийдир. Умархон тахтга чиққандан сўнг аввал бош вазир лавозимини бажарган қўшбеги мансабининг ўрнига мингбоши мансабини таъсис этишини қуйидагича изоҳлаш мумкин. Маълумки, Бухоро амирлигида ҳам бош вазир вазифасини қўшбеги адо этган. Бухоро хонлиги таркибидан ажралиб, мустақил давлат сифатида шаклланган Қўқон хонлигида бошқарув тизими ҳам дастлаб Бухородан андоза олиб ташкил этилган эди. Кейинчалик Қўқон хонлиги маъмурий-бошқарув тизимида ислохотлар ўтказилиб, мансаблар ва мансабдорлар фаолияти ўзгариб борган. Буни юқоридаги ҳолат шу каби ислохотлар натижаси дейиш мумкин.

Бухоро амирлигида мингбоши мансаби ҳарбий мансаб сифатида машҳур эди.

Хива хонлигида эса мингбоши маҳаллий бошқарув тизимида қуйи мансаблар қаторидан ўрин олган эди³¹.

Қўқонда мингбоши мансабининг мавқеи кейинги ҳукмдорлар даврида янада ошди. Жумладан, Шералихон (1842-1845) ҳукмронлигидан бошлаб, мингбоши мансабининг мавқеи давлат бошқарувида ошган бўлса, Худоёрхон (I даври 1845-1858) ва Султон Саййидхон (1863-1865) даврида ушбу мансаб эгаси давлат бошқарувида тўлиқ ҳукмронликни қўлга олган. Буни ўша давр тарихий жараёнларини ёритиб берувчи асарлар ҳам тасдиқлайди. Қўқон тахтига бир қатор ҳукмрон доира вакиллари томонидан Султон Саййидхон хон қилиб қўтарилганда давлат бошқаруви Алиқули амирлашқарга топширилганлиги ушбу воқеаларнинг бевосита иштирокчиси Муҳаммад Юнус томонидан қуйидагича баён этилади: «... юртдорлиғ ишини, чунончи, дахл ва сарф ва изл ва насб ва қатл ва зарб ва тамоман мамот мулки ва маош тасаруфин амирилашқар марҳумға таслим ва таслид айлаб, аҳдномаға жаноб

³¹ Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер егалиги ва давлат тузилиши... – Б. 262.

хон бошлиғ тамоман уламо ва фузало ва акобир сидқидил бирла қўл қўйиб, муҳр босиб, мустағкам қилдилар»³².

Қўқон хонлиги давлат бошқарувида XIX асрнинг 40-50 йилларида мингбоши мансабининг бундай энг юқори поғонага кўтарилишининг бир неча сиёсий сабаблари бор эди, албатта. Биринчидан, ҳукмдорлар Худоёрхон ва Султон Саййидхон тахтга ёш ўтказилган. Ушбу ҳукмдорларнинг тахтга ўтиришида ва давлатни бошқаришида, айнан, уларнинг бош вазири, яъни Худоёрхон учун Мусулмонкули, Султон Саййидхон учун эса Алиқули амирлашкар муҳим ўрин тутган. Иккинчидан, тахтга даъвогарликда гуруҳбозлик кучайган. Бу эса, ўз навбатида, давлат бошқарувининг ишончли ва кучли қўлларда бўлишини талаб қилган. Юқорида келтирилган маълумотлардан кўринадики, Қўқон хонлигида мингбошига жуда катта ҳуқуқ ва имкониятлар берилган ва шу билан бирга давлат бошқарувида унга жуда катта масъулиятлар юклатилган.

Марказий бошқарув тизимида мингбошидан кейинги поғонада *қўшбеги* (قوش بيگی) мансаби турган бўлиб, ҳукумат олиб борган сиёсатини амалга оширишда бу мансабдор муҳим вазифаларга масъул эди. Унинг фаолияти хусусида Мулла Олим Махдум Ҳожи муҳим маълумотларни келтиради. Унинг ёзишича, «Иккинчи, қўшбегилик мансабидаги одамлар доимо хон ҳузурида маслаҳатчи қаторида туруб ва ёки бирор катта шаҳарга ҳокими бил – истиклол насиб қиладур»³³. Қўқон хонлигида қўшбегини мансаблар қаторига эмас балки унвонлар қаторига қўшса тўғри бўлади. Бу унвон эгалари ҳарбийлар қаторидан ҳам ўрин олган бўлиб, давлатнинг ҳарбий кучлари бошқарувида фаол иштирок этишган. Вилоятларни бошқариш учун ҳоким лавозимига асосан қўшбеги унвонидаги кишилар тайинланганлигига

³² Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алимқули Амирлашкар. – № 2. – Б. 214 - 215.

³³ Мулло Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон... – Б. 104 - 105.

«Мунтахаб ут-таворих», «Ансоб ус-салотин...», «Тарихи Шоҳрухий» каби асарларда бир қанча далиллар мавжуд. Хусусан, «Мунтахаб ут-таворих»да 1820 йилларда Чустда Хушвақт қўшбеги, Тошкентда Лашкар қўшбеги ҳоким бўлиб тургани қайд этилади³⁴. Қўшбеги унвонидаги киши ҳарбий ҳаракатлар вақтида қўшин бошлиғи вазифасини ҳам бажарган³⁵. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур унвон кўпгина илмий адабиётларда “қушбеги” деб ҳам юритилган. Тадқиқотчи Муҳаммад Яҳёхоннинг фикрига кўра, дастлаб ҳукмдорларнинг овчи қушларига қаровчи ва ов учун мутасадди киши қушбеги деб аталиб, Қўқон хонлигида бу хизматчининг вазифаси ўзгариб юқори мансабдорлар қаторидан жой олган³⁶. Бу фикрни тўғри деб қабул қилиб бўлмайди. Чунки, Қўқон хонлиги марказий бошқарув тизимидаги мансабдор қушбеги эмас қўшбеги деб аталган. Бухоро хонлигидаги қўшбеги мансаби хусусида М.Абдураимов кўпгина маълумотларни таҳлил қилиб ҳарбий лагер бошлиғи деган фикрни илгари суради³⁷. Қўқон хонлигида ҳам қўшбеги ҳарбий сафарбарлик даврида қўшинга бошчилик қилган. Шунингдек, бу унвон эгаси вилоят ҳокимлигига тайинлангандан сўнг хоннинг буйруғига кўра ҳарбий ҳаракатларда вилоят қўшинига ҳам саркардалик қилганлиги боис қўшбеги деб аталган, деган фикрни илгари суриш мумкин.

Қўқон хонлигидан фарқли равишда Бухоро амирлигида қўшбеги мансаби бош вазир ҳисобланиб, пойтахт унинг назорати остида бўлган. Айниқса, манғитлар ҳукмронлиги даврида бу мансабнинг мавқеи юқори бўлганлигини шарқшунос А.А.Семенов қайд этади³⁸.

³⁴ ЎзР ФА ШИ қўлёзма, инв. № 594. – 300 а. варақ.

³⁵ Воҳид Ш. Қўқон хонлигидаги унвон ва мансаблар // Шарқ юлдузи. 1995. – № 3 - 4. – Б. 217.

³⁶ Муҳаммад Яҳёхон. Бўри баковул экан // Ватан. 1995. № 27.

³⁷ Абдураимов М. Қушбеги, а не қушбеги // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1974. – № 11. – С. 54 - 60.

³⁸ Семенов А.А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре... – С. 139.

Хива хонлигида ҳам қўшбеги Қўқон хонлигидаги сингари бош вазирдан кейинги ўринда турган асосий амалдорлардан ҳисобланган³⁹ бўлса-да, иккала хонликда бу мансабдаги вазирларнинг фаолияти бир-биридан кескин фарқ қилганлигини кўриш мумкин. М.Йўлдошевнинг кўрсатишича, Хивада қўшбеги молия – солиқ ишларига мутасадди раҳбарлардан саналган⁴⁰.

Қўшбеги мансабидан кейинги ўринда *парвоначи* (پروانچی) турган бўлиб, унинг эгаси олий ҳукмдор томонидан берилган ёрлик ва иноятномаларни ўз эгаларига етказувчи мансабдор эди. Айрим ҳолларда парвоначи қўшбеги лавозимини эгаллаши ҳам мумкин эди. Шунингдек, парвоначи мансабидаги кишилар ҳам вилоят ҳокими вазифасига тайинланган. Буни муаррих Мулла Олим Маҳдум Ҳожининг ушбу маълумоти ҳам тасдиқлайди. «Бу мансабдаги зот ҳам қўшбеги лавозимотини адо қиладур»⁴¹.

Мазкур мансаб ўз хизмат доирасига кўра олий ҳукмдорга яқин бўлган ва унинг ишончини қозонган эди. Ш.Воҳидовнинг ёзишича, «Унинг эгаси ўзининг хонга яқинлигидан фойдаланиб, хат ва аризаларни саройга олиб кириб, у ердан кетма-кет жавобини олиб чиқарарди»⁴².

Ушбу мансаб Бухоро ва Хива хонлигида ҳам мавжуд бўлиб, мансаб эгасининг фаолияти ва вазифасида деярли фарқ йўқ.

Давлатнинг тараққий этишида, ривожланишида ташқи дунёнинг роли бекиёсдир. Марказий бошқарувда хонликка чет мамлакатлардан сиёсий, иқтисодий, дипломатик мақсадларда келган элчиларни кутиб олиш, уларни жойлаштириш ва хонликдаги фаолиятига жавобгар мансабдор эгаси *шиговул*

³⁹ Соболев Л.М. Обзор доступов к Хивинскому ханству и краткие сведения о нем. (Военно - статический очерк) // Военный сборник. – СПб.: 1873. – № 5. – С. 158.

⁴⁰ Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер егалиги ва давлат тузилиши... – Б. 262.

⁴¹ Мулло Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон... – Б. 105.

⁴² Воҳид Ш. Қўқон хонлигидаги унвон ва мансаблар // Шарқ юлдузи. 1995. – № 3 - 4. – Б. 220.; Воҳидов Ш. Холикова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан (XIX - XX аср бошлари) – Б. 16.

(شفاول) эди. 1830 йилда Қўқон хонлигида бўлган хорунжий Потанин эсдаликларида шиғовул ҳақида «... улар чет мамлакатлардан Қўқонга келган элчиларни хонлик ҳудудидаги фаолияти ва эсон-омон ўз ватанларига қайтишлари учун хон олдида жавобгардир»⁴³, – деб ёзади.

Бошқа мамлакатларга юбориладиган элчилар номзодини ҳам хонга шиғовул тавсия этган. Бу тўғрида Султон Саййидхон (1863-1865) даврида шиғовул мансабида бўлган муаррих Муҳаммад Юнус бош вазир Алиқули амирлашқарга нуфузли мартабага эга бўлган Али Акбар ҳожи нақиб, Абулқосимхон эшон, Эшон қози ва Йўлдош карвонбошиларни элчиликка номзод этиб кўрсатганлигини қайд этади⁴⁴.

Тарихий манба ва адабиётлар маълумотларининг тасдиқлашича, Бухоро амирлиги⁴⁵ ва Хива хонлигида⁴⁶ ҳам шиғовул мансабидаги киши мамлакатга келган элчилар билан шуғулланувчи шахс ҳисобланган.

Қўқон хонлиги марказий бошқарувида иқтисодий масалалар бўйича масъул амалдор – *девонбеги* (ديوان بيگی) ҳам муҳим ўрин тутган. Девонбеги хон девонинг бошлиғи бўлиб, қўл остида бир неча мирзолар фаолият юритган. Мамлакат хазинасига тушадиган маблағлар ва уларнинг сарф-харажати девонбеги назоратида бўлиб, улар махсус қирим-чиқим дафтарларида қайд қилиб борилган. Хонлик девонхонасида вақф ерлари, мачит ва мадрасаларга тегишли қирим-чиқим ёзувлари, хонга ҳадя қилинган совғалар ҳисоботи ҳамда муҳим статистик маълумотлар қайд этилган дафтарлар сақланган⁴⁷.

Бухоро ва Хива хонликларида ҳам Қўқон хонлигидаги сингари, девонбеги мансабидаги амалдор зиммасига бир хил вазифалар юклатилган

⁴³ Потанин Н.И. Записки о Коканском ханстве... – С. 279.

⁴⁴ Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алимқули Амирлашқар. – №2. – Б. 215.

⁴⁵ Мирза Бади Девон. Мажмаъ ал-арқам. – М.: 1981. – С 99.

⁴⁶ Йўлдошев М. Хива хонлигида феодализм ер егалити ва давлат тузилиши... – Б. 270.

⁴⁷ Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: Наука. 1967. – С. 3.

бўлса-да, айрим фарқли томонлари ҳам мавжуд эди. Хусусан, Қўқон хонлигидан фарқли ўлароқ, Бухоро амирлигида девонхонага тегишли ҳужжатларнинг барчаси девонбеги ихтиёрида эмас, балки қўшбеги ихтиёрида сақланган.

Қайд этиб ўтиш керакки, Қўқон хонлигида XIX асрнинг 50-йилларига келиб марказий бошқарув тизимида айрим мансаб ва амалларнинг ўзгаришларга юз тутганлиги кузатилади.

Мамлакатда юзага келган сиёсий бошбошдоқлик, олий ҳукмдорларнинг ёш бўлганлиги боис давлатнинг турли шахслар орқали бошқарилгани марказий бошқарув тизимида ҳам маълум ўзгаришларни келтириб чиқарди. Айрим мансаб ва амал эгаларининг ваколатлари кенгайтирилди, баъзилариники эса чеклаб қўйилди. Бу ўринда Муҳаммад Юнуснинг қуйидаги маълумоти диққатга сазовордир. У Султон Саййидхон (1863-1865) Қўқон тахтига ўтирганининг дастлабки кунларида бош вазир Алиқули амирлашкар томонидан ўзининг янги вазифага тайинланганлигини шундай қайд этади: «Амирлашкар ўшал куни хазинаи олийга кириб, бир катта той тилло кимхоб тўн каминага кийдуруб марҳамат қилдиларким, Фарғонани хирожини ва танобона ва закот пуллари ва аскариянинг қишлоқ ғаллоти ва қишлоқлар ижороти ва саркор ва амлокдорлари таҳқиқи ва ҳисоби ва аскария яроғ ва аслаҳа дафтари сизга тааллуқдур, булардан яхши хабардор бўлинг, мукоҳила қилманг»⁴⁸. Унинг кўрсатишича, Алиқули амирлашкар Муҳаммад Юнуснинг қўлига яна тўртта тўн беради. Бу тўртта тўн ҳам мансабдорлик сарпоси бўлиб, Муҳаммад Юнус тўнларнинг бирини меҳтарлик сарпоси деб Дўст исмли шахсга, иккинчиси – иноклик сарпосини Муҳаммад Иброҳимга, учинчиси – саркорлик сарпосини Турсун Муҳаммадга ва саррофона сарпоси бўлган тўртинчи тўнни эса Мирзо Ғофур исмли

⁴⁸ Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алимқули Амирлашкар. – № 2. – Б. 215.

шахсларга топширган. Амирлашкар Алиқули бу тўрт мансабдорнинг Муҳаммад Юнусга тобе бўлишларини тайинлаган⁴⁹.

Муҳаммад Юнус ушбу маълумотида ўзининг қандай лавозимга тайинланганлиги ҳақида эса ҳеч нарса ёзмайди. Шу ўринда қайд қилиш керакки, XIX асрнинг 50-йилларига қадар Муҳаммад Юнусга топширилган мансаб доирасига киритилган вазифалар девонбеги ваколатида бўлган. Тарихий манбалар турли ҳукмдорлар даврида фаолият юритган девонбегиларнинг номларини сақлаб қолган. Уларга кўра, 1780-90 йилларда хонлик марказий бошқарувидаги девонбеги вазифасида Малла девонбеги фаолият юритган. Олимхон ҳукмронлигида Зухур девонбеги, Умархон ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Ражаб девонбеги, кейинчалик эса Қосимбек ва Исҳоқбеклар девонбеги сифатида фаолият олиб боришган. Бироқ хонлик тарихига оид асарларда XIX асрнинг 50-60 йилларидаги девонбеги мансаби ва уларни эгаллаган шахслар ҳақида ҳеч қандай маълумотлар учрамайди. Бу ушбу даврга келиб, Қўқон хонлиги марказий бошқарув тизимида девонбеги мансаби ваколатлари бошқа, яъни мирзабоши (ميرزا باشى) мансабида мужассамлашган эди, деган фикрни илгари суришга имкон беради. Шунингдек, мирзабошининг хизмат доирасига девонбегининг вазифаларидан ташқари яна бир вазифа юклатилган эди. Қўқон ҳукмдорлари ҳокимларни алмаштириш вақтида улар ҳукмронлик қилган вилоятлар бюджет маблағларининг сарф-харажати устидан тафтиш ўтказиб боришган ва бу иш айнан мирзабоши томонидан амалга оширилган. Таҳлил этилган тарихий маълумотларга асосан айтиш мумкинки, Муҳаммад Юнусга моҳияти жиҳатидан девонбеги мансабига тенг мирзабошилиқ вазифаси юкланган. Маллахон (1858-1862) ва Султон Саййидхон (1863-1865) ҳукмронлик қилган даврларда марказий бошқарув тизимида айнан ушбу вазифани Муҳаммад

⁴⁹ Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алимқули Амирлашкар. – № 2. – Б. 215.

Юнус бажарган эди. Буни унинг «Тарихи Аликули Амирлашкар» номли асарида келтирган маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Хусусан, у Маллахон томонидан Тошкент вилоятини текшириш учун юборилганлигини баён этар экан, «фақирни, Муҳаммад Мусо фармоначи (парвоначи–Ш.М.) молия мулкияларин саришта қилмоқ учун ...Тошкент вилоятига сикритор, яъни мирзабоши қилиб юборадилар»⁵⁰, – деб қайд этади.

Бухоро амирлигининг бош вазири бўлган қўшбегининг девонхонаси бошлиғи Қўқон хонлигидан фарқли равишда, мирзабоши деб номланган⁵¹.

Қўқон хонлиги марказий бошқарув тизимида иқтисодий ҳаётни тартибга солиш ва бошқариш билан боғлиқ мансаблардан бири сифатида *меҳтар* (مهتر) лавозимини кўрсатиш мумкин. Тарихий манбаларда меҳтар мансабидаги шахс марказий бошқарув тизимидаги вазирлардан бири эканлиги ҳақида маълумотларни учратиш мумкин⁵². Мамлакатга олиб кириладиган ва олиб чиқиладиган савдо молларидан олинган закот ва божни айнан меҳтар лавозимидаги киши назорат қилган⁵³. Марказий бошқарув тизимида бу лавозимда бир амалдор фаолият юритиб, пойтахтга келган савдо карвонлари ва улардаги моллар хусусида олий ҳукмдорга маълумот бериб турган. Мамлакатнинг бошқа чегара ҳудудларида ҳам ташқи савдо карвонларини назорат қилувчи масканлар бўлиб, бу масканлар ҳам меҳтар назоратида бўлган.

XIX асрдаги айрим тадқиқотчилар, жумладан, А.П.Хорошхин меҳтарни молия вазири деб ёзади⁵⁴. Фикримизча, меҳтарнинг вазифаси молия вазирига эмас, божхона ва закот ишлари бошлиғи вазифасига тўғри келади. Юқорида келтириб ўтилган «Тарихи Аликули Амирлашкар» асарида меҳтар мансабини

⁵⁰ Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алимкули Амирлашкар. – № 1. – Б. 218.

⁵¹ Семенов А.А. Очерк устройства центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени. – Сталинабад: 1954. – С. 60.

⁵² Кокандское ханство по новейшим известиям // Туркестанский сборник. Т. 23. – С. 64.

⁵³ Хорошхин А.П. Очерки Кокана // Туркистанский сборник. Т. 116. – С.48.

⁵⁴ Хорошхин А.П. Очерки Кокана // Туркистанский сборник. Т.116. – С. 48.

эгаллаган амалдорнинг мирзабошига тобелиги айтилади. Агар меҳтарнинг бошқа вазифалар қатори мамлакат аҳолисидан йиғиладиган хирож, танобона солиғи, закот пулларининг йиғилишига мутасадди амалдор – мирзабоши қўл остидаги мансабдор эканлиги ҳисобга олинса, меҳтар молия вазири эмас, молия вазирининг ёрдамчиси эканлигини англаш мумкин. Бу эса меҳтар мансабининг ҳам XIX аср ўрталарига келиб ўз мазмун-моҳиятини ўзгартирганини кўрсатади.

Меҳтарнинг мавқеи Қўқон хонлигига нисбатан бошқа Ўрта Осиё хонликларида анча юқори бўлган. Хива хонлигида 1819-1821 йилларда меҳтар бош вазир ҳисобланган бўлса-да, аммо унинг фаолияти ҳам, Қўқон хонлигидаги сингари, бож-солиқ ишларини назорат қилиш билан чегараланганлигини рус сайёҳи Н.Муравьёв ўз эсдаликларида қайд этиб ўтади⁵⁵. Шунингдек, XIX аср иккинчи ярмига оид манбаларнинг гувоҳлик беришича, Хивада меҳтар хазина маблағларининг сарф-харажати устидан ҳам назорат қилган⁵⁶.

Хонлик марказий бошқарув тизимида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик мансаблардан яна бири *дастурхончи* (دستورخانچی) мансабидир. Дастурхончи номи Қўқон хонлиги тарихига оид манбаларда кўп тилга олинадиган мансаблардан бўлиб, бу вазифани бир киши бажарган. Ушбу мансабдаги киши ўз номидан келиб чиққан ҳолда саройда олий мартабали меҳмонлар учун уюштириладиган ва турли байрам кунлари ўтказиладиган маросим, кечаларни ташкиллаштириб, бошқариб бориш билан бир қаторда давлатнинг бош хазинабони ҳам ҳисобланган. Қўқон хонлигида дастурхончининг марказий бошқарув аппаратида киритилишининг асосий сабаби ҳам юқорида кўрсатилган иккинчи вазифани бажарганлигидадир.

⁵⁵ Муравьев Н.Н. Путешествие в Туркмению и Хиву. част II. – М: 1822. – С. 41-42.

⁵⁶ Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер егалиги ва давлат тузилиши... – Б. 229.

Шунинг учун ҳам хонликда дастурхончи мансабининг мавқеи юқори бўлиб, В.В.Вельяминов-Зернов уни бош ғазначи, деб изоҳлайди ва марказий ҳокимиятнинг асосий мансабларидан бири деб кўрсатади⁵⁷.

Тарихий маълумотлар айрим ҳолларда дастурхончи давлат хазинасини идора этиш билан бирга мамлакатнинг сиёсий ҳаётида ҳам фаол иштирок этганлигини кўрсатади. Жумладан, 1831 йилда имзоланган Қўқон хонлиги фойдасига Қашқардан бож йиғиш бўйича Пекин шартномасини тайёрлаш ва имзолашда Қўқон давлати номидан Маҳмуд дастурхончи иштирок этган⁵⁸. Абу Убайдуллоҳ ҳам «Хулосат ул-аҳвол» асарида Маҳмуд дастурхончини Муҳаммад Алихоннинг вазирларидан бири эканлигини эътироф этади⁵⁹.

Марказий бошқарув тизимида юқори мавқега эга бўлган унвонлар ҳам бўлиб, улардан бири *оталиқдир* (اتاليق). Бу унвоннинг мавқеи ҳақида Исҳоқхон Тўра «Тарихи Фарғона» асарида аниқ маълумот беради. У «...ёши хондан катта бўлиб, хизмат бирла вазирликга етса атолиқ амали берилур экан. Ёрликда муҳри хонни муҳри бирла баробар экан, билофарқ нойибдек», – деб қайд этади⁶⁰.

Манбаларнинг таҳлили ушбу унвонга айрим ҳолларда олий ҳукмдорнинг қайнотаси эришганлигини кўрсатади. Жумладан, «Мунтахаб ут-таворих» асарида кўрсатилишича, 1815 йилда Андижон ҳокими бўлган Умархоннинг қайнотаси Раҳмонқулибийга оталиқ унвони берилган эди⁶¹. Мусулмонқули куёви Худоёрхонни 1845 йилда тахтга ўтказгач, ўзи ёш ҳукмдорнинг оталиғи бўлган⁶².

⁵⁷ Вельяминов-Зернов В.В. Сведения о Кокандском ханстве. – СПб.: – С. 114.

⁵⁸ Муҳаммад Яҳёхон // Ватан. 1995. – № 16.

⁵⁹ ЎзР ФА ШИ қўлёзма, инв. № 2084. – 22 б варақ.

⁶⁰ Исҳоқхон Тўра Ибрат, Тарихи Фарғона... – Б. 303.

⁶¹ ЎзР ФА ШИ қўлёзма, инв. № 594. – 282 а варақ.

⁶² Мирзо Олим Мушриф. Ансоб ус-салотин... – Б. 41.

Оталиқ унвонига эга бўлган киши давлат бошқарувида, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида ҳукмдорнинг бош маслаҳатчиси ҳисобланган.

Бухоро амирлигида ҳам оталиқ унвони мавжуд бўлиб, бу унвон икки кишига берилган. Айрим ҳолларда, А.А.Семеновнинг кўрсатишича, асосан, Бухоро амирлигининг сўнгги ҳукмдорлари даврида бу унвон ҳеч кимга берилмаган⁶³.

Хива хонлигида эса Бухоро ва Қўқон хонлигидан фарқли равишда, оталиқ унвонига тўрт киши эга бўлиб, бу унвон уруғ бошлиқларига берилган⁶⁴.

Олий ҳукмдор билан вилоят ҳокимлари, бирор хизмат билан пойтахтдан узоқроқ юрган мансабдорлар, мамлакатнинг турли ҳудудларида ўрнашган мунтазам кўшин бошлиқлари, уруш ҳолатида қўмондонлар ўртасида ёзишмаларни олиб бориш, ҳукмдорнинг хоҳиш–иродасини турли шахсларга билдириш, ҳар-хил масалалар бўйича йўл-йўриқ ва дастуруламалларни етказиш каби вазифалар марказий бошқарувда *рисолачи* (رسالچی) томонидан амалга оширилган. Қўқон хонлиги марказий бошқарув тизимида рисолачи ўрта даражадаги нуфузли мансабдор ҳисобланган бўлса-да, XIX асрнинг 50-йилларига келиб ушбу мансаб эгасининг давлат бошқарувида мавқеи ортганлигини кузатиш мумкин. Худди шу даврда Қўқон хонлигида бу вазифада Қулбобо рисолачи хизмат қилган бўлиб, у мамлакатнинг сиёсий ҳаётидаги муҳим ўзгаришлар тепасида турган кишилардан бири эди.⁶⁵ У Худоёрхоннинг мустақил ҳукмронликни ўз қўлига олишида, яъни унинг

⁶³ Семенов А.А. Очерк устройства центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени... – С. 61.

⁶⁴ Ёўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши... – Б. 242.

⁶⁵ Мирзо Олим Мушриф. Ансоб ус-салотин... – Б. 48-49.

Мусулмонкули васийлигидан қутулишида катта ёрдам берган кишиларнинг бири бўлган.

Қўқон хонлигининг марказий бошқарув тизимида *иноқ* (عناق) унвонига эга бўлган шахс олий ҳукмдорнинг мулозимлари ичида энг юқори мартабалиси бўлиб, бу унвонга бир киши сазовор бўларди. Ш.Воҳидовнинг кўрсатишича, хоннинг хос ва сирдош мулозими бўлган⁶⁶.

Олимхон (1798-1810) 1806 йилда Ўратепа вилоятини Қўқон тасарруфига киритгандан сўнг бу вилоятга Қадам иноқни ҳоким қилиб тайинлайди. Маълумки, Ўратепа вилояти Қўқон ва Бухоро ўртасида кўп тортишувларга сабаб бўлган ҳудуд ҳисобланиб, Олимхон ҳам бу вилоятни қўлдан бермаслик мақсадида ўзига яқин бўлган мулозимини ҳоким этиб тайинлашга қарор қилган, дейиш мумкин.

Иноқнинг олий ҳукмдорга яқин мулозим эканлигини бошқа Ўрта Осиё хонликлари мисолида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, Аштархонийлар ҳукмронлиги даврида Бухоро хонлигида иноқ унвонига эга бўлган кишининг мавқеи юқори нуфузда бўлиб, олий ҳукмдорнинг муҳри унинг қўлида сақланган⁶⁷.

Хива хонлигида иноқ унвони хонга итоат этган уруғ оқсоқолларига берилиб, бунга тўрт киши сазовор бўлган⁶⁸. Хивада янги хонни тахтга ўтказиш маросимида иноқлар муҳим вазифани бажарган. Тахтга янги кўтарилаётган олий ҳукмдорни оқ кигизга солингандан сўнг кигизнинг тўрт томонидан кўтариш айнан шу тўртта иноққа топширилган ва бу вазифа уларнинг асосий, қолаверса, фахрий бурчлари ҳисобланган⁶⁹.

⁶⁶ Воҳид Ш. Қўқон хонлигидаги унвон ва мансаблар // Шарқ юлдузи. 1995. – № 3 - 4. – Б. 220.; Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан (XIX–XX аср бошлари) . – Б. 16.

⁶⁷ Семенов А.А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре... – С. 139.

⁶⁸ Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер егалиги ва давлат тузилиши... – Б. 240 - 241.

⁶⁹ Ўша жойда. – Б. 240 - 241.

Қўқон хонлигининг марказий давлат бошқарувида сиёсий-иқтисодий ишларни бажарадиган мансабдорлар билан бир қаторда диний-ҳуқуқий соҳани бошқарадиган олий мартабали мансабдорлар ҳам фаолият юритишган. Хонликнинг ҳуқуқий тизими шариат асосида олиб борилганлиги сабабли аҳолининг ижтимоий-маънавий ҳаётида диний-ҳуқуқий вазифалардаги мансабдорлар муҳим ўрин тутган.

Давлатнинг марказий бошқарувида энг олий диний мансаб *шайхулислом* (شيخ الاسلام) бўлиб, бу мансабни Ш.Воҳидов, Умархон томонидан 1818 йилда таъсис этилган, деб кўрсатади⁷⁰. «Мунтахаб ут-таворих» асарининг қўлёзма нусхаларида Маъсумхон тўранинг шайхулислом мансабига тайинланганлиги санаси турлича кўрсатилади. Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти Санктпетербург бўлимида сақланадиган 470 рақамли нусхада ҳижрий 1230 йил қайд этилади⁷¹. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси инв. № 596 нусхасида ҳижрий 1233 йил кўрсатилади. Ш.Воҳидов ушбу кейинги нусхага асосаланган ҳолда, Маъсумхон тўранинг мазкур лавозимга тайинланганини назарда тутиб 1818 йилда шайхулисломлик жорий қилинган деб, эътироф этади⁷². Бу даврга қадар Қўқон хонлигида шайхулислом мансаби мавжуд бўлганлиги борасида тарихий манбаларда маълумотлар деярли учрамайди. Мулла Олим Махдум Ҳожининг қайд этишича: «[Олимхон] ...тамоми Фарғона вилоятига эшон домла Ёқуб Охундни бош қилиб, кўп уламо ва фузалолардин ўрдага таклиф айлаб»⁷³, махсус кенгаш ўтказиб турган. Фикримизча, бу даврда Ёқуб Охунд шайхулислом мансабига тенг даражадаги лавозимни эгаллаган.

⁷⁰ Воҳид Ш. Қўқон хонлигидаги унвон ва мансаблар // Шарқ юлдузи. 1995. – № 3 - 4. – Б. 222.; Воҳидов Ш., Холикова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан (XIX–XX аср бошлари). – Б. 19.

⁷¹ Muhammad Hakim khan. Muntakhab al-tawarikh... – P. 136.

^{72,73} ЎзР ФА ШИ қўлёзма, инв. № 596. – 282 а. варак.

⁷³ Мулло Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон... – Б. 29.

Фарғона водийси Аштархонийлар ҳукмронлиги остида бўлган даврларда Марғилонга Имомқулихон (1611-1642) томонидан 1618 йилда Шайх Али Аскар, Субҳонқулихон (1680-1702) томонидан 1689 йилда Шайх Қосим Охун шайхулисом этиб тайинланганлиги тўғрисидаги ёрлиқларнинг мавжудлиги⁷⁴ кейинги даврларда ҳам яъни, Қўқон хонлиги давлат бошқарувининг шаклланишида бу мансаб фаолияти сақлаб қолинган деб хулоса чиқаришга асос бўла олмайди.

Шайхулисомлик мансаби нафақат Қўқон хонлиги, балки бошқа Марказий Осиё давлатлари ҳамда қўшни Шарқ мамлакатларида ҳам давлат бошқарувида юқори нуфузли бўлиб, жумладан, Эронда унинг эгаси зиммасига шариат қонун-қоидалари асосида жамият аъзолари орасида келиб чиққан ихтилофли масалаларни бартараф этиш, аҳолининг арз-додига кулоқ тутиш ва уни яхши ишларга ундаш, ёмон хатти-ҳаракатлардан қайтариш ишларига бош бўлиш ҳам юклатилган эди⁷⁵. Айрим ҳолларда мамлакатдаги етимлар ва йўқолган кимсалар мол-мулки бўйича ҳукм чиқариш ҳам шайхулисом зиммасига юклатилган. Бу Қўқон хонлигидаги шайхулисом фаолиятига ҳам хос хусусият эди.

Шайхулисом марказий ва маҳаллий бошқарув тизимида муҳим ўрин тутган қозикалон мансабига номзодлар кўрсатиш ҳуқукига эга бўлган. Бу ҳолатни тасдиқловчи маълумотлардан бирига кўра, Тошкент вилоятининг 1863-1865 йиллардаги қозикалони Ҳакимхўжа эшон бу лавозимга шайхулисом Сулаймонхожа томонидан олий ҳукмдорга тавсия қилинган⁷⁶. Ҳакимхўжани қозикалонликка тайинлаш маросимида Сулаймонхожа

⁷⁴ Валидов А. Некоторые данные по истории Ферганы XVIII-го столетия // ПТКЛА. Год двадцатый. 1916. Вып. 2 - й. – С. 70 - 71.

⁷⁵ Муҳаммад Рафи Ансори. Дастур ал-мулук (Устав для государей.) / Предисловие, перевод, примечения и указатели А.Б.Вильдановой. Т.: 1991. – С.20

⁷⁶ Тошканд шаҳрини улуғ хурматлик қози калони Саид Муҳаммад Ҳакимхўжа эшон Норхўжа эшон ўғли ахволлари хусусида // Туркистон вилоятининг газети. 1890. – № 46.

шайхулисломнинг ўзи иштирок этган. Маросимда Ҳакимхўжага салла кийдирилиб, унинг қозикалонлик мансабига тайинланганлиги тўғрисидаги ёрлик салланинг тепасига санчиб қўйилган ва буни шайхулислом Сулаймонхожа бажарган⁷⁷. Маросимдаги бу вазифани шайхулислом томонидан бажарилганлиги унинг марказий бошқарув тизимида мавқеи юқори бўлганлигини кўрсатиш билан бирга турли мансабларга кўтариш борасида мавжуд удумлардан ҳам дарак беради.

Бухоро ва Хива хонлигида ҳам шайхулислом энг олий диний-ҳуқуқий мансаб бўлган.

Шайхулислом мансабидаги кишилар бошқа вазифага ўтказилмаган ёки вазифасидан бўшатилмаган. Бу мансаб эгалари хусусида тарихий манбаларда салбий фикрлар ва маълумотлар учрамайди.

Хожакалон (حواجهء كلان) унвонига эга бўлган диний мансабдорлар марказий бошқарувда шайхулисломдан кейинги ўринда турган. Ш.Воҳидов хожакалон унвонидаги кишига фикҳ олими, деб таъриф беради. Хонликнинг марказий бошқарувида икки хожакалон тайинланганлиги ҳам бежиз эмас. Бу икки фикҳ олими давлат ишлари, ҳукмдорнинг фармон ва қарорлари шариат қонунлари асосида бўлиши ёки шариатга мос келишига масъул шахслар бўлган деган, фикрни билдириш мумкин.

Давлат идора ишларида шаръий қонунларнинг бузилмаслиги каттик назорат остига олинган. Бунда олий ҳукмдор хожакалонларга таяниб, иш юритган. Ушбу ҳолатни вилоятлар марказида ҳам мазкур мансаб эгаси фаолият юритганлиги, улар олий ҳукмдор томонидан тайинланганлиги ҳақидаги мавжуд ёрлиқлар ҳам тасдиқлайди⁷⁸.

⁷⁷ Тошканд шаҳрини улуғ ҳурматлик қози калони Саид Муҳаммад Ҳакимхўжа эшон Норхўжа эшон ўғли аҳволлари хусусида // Туркистон вилоятининг газети. 1890. – № 46.

⁷⁸ Материалы по истории Ура-Тюбе. сборник актов XVII-XIX вв. Составление, перевод и предисловие А.Мухтаров. – М.: 1963. – С.58.

Қўқон хонлигидан фарқли равишда, хожакалон мансаби Бухоро амирлигининг сўнгги даврларида мавжуд бўлмаган. А.Семенов Бухоро хонлигида бу мансаб, фақат XVII асрга оид «Тарихи Муқимхоний» асарида тилга олинишини қайд этиб ўтади⁷⁹.

Қозикалон (قاضى كلان) марказий бошқарув тизимидаги адлия ва ҳуқуқ-тартибот ишларига масъул лавозими бўлиб, бу мансабда бир киши фаолият юритган. Шунингдек, вилоят марказларида мавжуд маҳаллий бошқарув тизимида ҳам қозикалон мансаби бор эди. Тадқиқотларда қозикалон «...пойтахт ва вилоят марказларидаги қозиларнинг ва қозихона ишларининг устидан назорат қиларди», – деб таърифланади⁸⁰.

Тарихий ҳужжатлар қозикалонларнинг фақат қозилар ва қозихона ишлари устидан назоратни амалга оширибгина қолмай, фуқароларнинг турли ҳуқуқий масалалари бўйича ҳукмлар чиқаргани ва бу ҳақда олий ҳукмдор ёки вилоят ҳокимига ёзма баёнотлар тайёрлаганликларини кўрсатади. Шундай ҳужжатлардан биридан аён бўлишича, хонликда 1872-1873 йилда қозикалон мансабида Аҳмад Бобо исмли шахс бўлган. Ҳужжатларнинг бирида Уста Ҳамид исмли кишига амакисидан қолган уйнинг мерос тариқасида берилиши ҳақидаги Аҳмад Бобонинг қарори акс этган бўлса⁸¹, бошқа бирида шу қозикалон томонидан Охундбек аминга пичан учун хирожнинг буғдой ва пул тарзида тўлиқ тўланганлиги боис, қозикалон Аҳмад Бобонинг қарори акс этган⁸². Шу ўринда бошқа бир ҳужжат диққатга сазовордир. Бу Аҳмад Бобо қозикалоннинг пахтадан солиқ ундирувчилар бошлиғи Мулла Ҳасанбой аминга ёзган хати бўлиб, унда Қумарикдаги қорихонага тегишли вақф ерларидан хат ёзилган кунга қадар пахтадан олинадиган хирож

⁷⁹ Семенов А.А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре... – С. 148.

⁸⁰ Воҳид Ш. Қўқон хонлигидаги унвон ва мансаблар // Шарқ юлдузи. 1995. – № 3 - 4. – Б. 222.

⁸¹ Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века... – С. 71.

⁸² Ўша асар, – С. 114.

ундирилмаганлиги эслатилиб, агарда бунга зарурат туғилса, хирожни ундан, яъни қозикалон Аҳмад Бободан ундириб, деҳқонларни тинч қўйиш сўралади⁸³.

Бухоро ва Хива хонлигида ҳам Қўқон хонлигидаги каби қозикалон мансабидаги амалдорлар бир хил вазифаларга масъул бўлсалар-да, айрим фарқлар ҳам кузатилади. Масалан, Хива хонлиги марказий бошқарувида бу лавозимда икки мансабдор фаолият юритган.

Қўқонда ҳарбий ишлар қозиси вазифасида *қози аскар* (قاضى عسكر) мансабидаги киши фаолият юритиб, бу амалдорнинг мавқеи ва хизмат доираси Бухоро ва Хива хонлигидагидай бўлган. Умархон ҳукмронлиги даврида бу вазифада «Шоҳномаи Умархон» асари муаллифи Мирзо Қаландар Мушриф Исфарагий хизмат қилган.

Қози аскар, ўз навбатида, марказий давлат бошқарувидаги судлов масалалари бўйича бош мансабдор – қозикалонга бўйсунар эди.

⁸³ Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века... – С. 118.

1 – жадвал. Қўқон, Бухоро ва Хива хонлигида асосий давлат вазифаларидаги мансаблар⁸⁴.

№	Вазифалар	Қўқон хонлиги	Бухоро амирлиги	Хива хонлиги
1	бош вазир	мингбоши	қўшбеги	Меҳтар
2	хоннинг маслаҳачиси	оталиқ	манғитларга қадар оталиқ	оталиқ
3	ҳарбий қўмондон	қўшбеги ва парвоначи	қўшбегийи поён	-
4	молия ва солиқ вазири	девонбеги 1845 йилдан сўнг мирзабоши	девонбеги	қўшбеги 1807 йилдан сўнг девонбеги
5	ташқи алоқалар вазири	шиғовул	Шиғовул	Шиғовул
6	ҳазинабон	дастурхончи	-	меҳтар

⁸⁴ Изоҳ: Бухоро амирлигидаги асосий вазифаларни бажарган мансабдорлар Мирза Бади Девоннинг Мажма ал-арком асари, А.Семенов, Ш.Воҳидов ва Р.Холиқоваларнинг мақола ва рисоаларидан, Хива хонлиги бўйича эса М.Йўлдошевнинг тадқиқотларидан фойдаланилди.

2– жадвал. Қўқон хонлиги марказий бошқарув тизимидаги сиёсий, ижтимоий – иқтисодий ҳаётни бошқаришга масъул этилган мансаб ва унвонлар⁸⁵.

	Мансаб ва унвонлар	Сони	Вазифаси
1	Мингбоши	1	Бош вазир
2	Оталиқ	1	Хоннинг давлат маслаҳатчиси
3	Қўшбеги	1	Бош вазир ўринбосари
4	Парвоначи	2	Бош вазир ўринбосари
5	Девонбеги	2	Молия ва солиқ вазири
6	Мирзабоши	1	Девонхона бошлиғи
7	Шиғовул	1	Ташқи алоқалар вазири
8	Дастурхончи	1	Хазинабон
10	Рисолачи	1	Хоннинг котиби
11	Меҳтар	1	Божхона ишлари бошлиғи
12	Иноқ	1	Хоннинг хос мулозими

⁸⁵ Изоҳ: мазкур жадвал Муҳаммад Ҳақимхоннинг «Мунтахаб ут-таворих», Муҳаммад Юнуснинг «Тарихи Алимқули Амирлашкар», ҳамда рус тадқиқотчилари В.В.Вельяминов-Зернов, А.Кун асарлари асосида тузилди.

3 – жадвал. Ўрта Осиё хонликларидаги диний – ижтимоий мансаб ва унвонлар.

№	Мансаб ва унвонлар	Сони	Вазифаси
1	Шайхул – ислом	1	Диний ва адлия ишлари бўйича хоннинг маслаҳатчиси
2	Хожа – калон	2	Фикҳ олим, шаръий масалаларда хон маслаҳатчиси
3	Қози – калон	1	Адлия вазири
4	Қози – Аскар	1	Ҳарбий қози
5	Ўроқ	1	Вақф ерлари солиқларига масъул
6	Мирасад	3	Диний уламо
7	Садр	2	Диний маслаҳатчи
8	Судур	2	Вақф мулклари ҳисобчиси

Хулоса

Ўрта Осиё худудида қадимдан шаклланган цивилизация ва ҳудудда кечган ижтимоий – сиёсий ва иқтисодий жараёнларнинг ҳосиласи бўлган ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганиш тарих фани олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳодиса бўлган давлатчилик кўп унсурлардан ташкил топиб, уларнинг ичида қадим даврлардан бери шаклланиб ва такомиллашиб келаётган маъмурий-бошқарув тизими муҳим ўрин тутди. Бу тизим турли даврларда мавжуд бўлган давлатлар томонидан янги анъаналар билан бойитилган, турли ҳукмдорлар, хусусан, Амир Темури даврида, марказлашган давлатнинг салоҳияти кучли бўлиб, маъмурий-бошқарув тизимининг барча бўғинлари мустаҳкамланиб борган. Бироқ бу давлат унинг авлодлари – Темурийлар ҳукмронлиги даврида аста-секинлик билан инқирозга юз тутди. Темурийлар давлатида кузатилган сиёсий бошбошдоқликдан ташқи кучлар фойдаланиб қолдилар. XVI аср бўсағасида бундай куч сифатида Дашти қипчоқлик Муҳаммад Шайбонийхон майдонга чиқди. Шайбонийхон томонидан Ўрта Осиёнинг босиб олиниши бу ерда янги давлат тузилмалари – Бухоро, Хива ва кейинчалик Қўқон хонликларининг келиб чиқиши, шаклланиши ва тараққиёти учун замин ҳозирлади. Бу давлатлар ўзбек давлатчилиги анъаналарининг вориси сифатида фаолият кўрсатдилар, давлатчилик, хусусан, давлатнинг маъмурий бошқарув тизими борасида муайян ўзгаришларни амалга оширдилар.

Ўрта Осиё хонликларида, хусусан, Қўқон хонлигида XVIII аср охири XIX аср 70-йилларида маъмурий-бошқарув тизимининг соддалашиб борганлиги кузатилади. Унинг асосий бўғинлари бўлган даргоҳ ва девонлар бу даврга келиб деярли фаолият кўрсатмайди. Давлат бошқарув тизимининг муҳим таркибий қисми бўлган бу тузилмалар ваколатига кирган вазифалар

айрим амалдорлар фаолиятининг асосий мазмунига айланади. Шу билан бирга давлатни бошқариш улар ўрнини босувчи маслаҳат органи – Олий кенгашга таяниб амалга оширилган. Қўқон ҳукмдорлари ўз ички ва ташқи сиёсатини айнан шу органга таяниб олиб борган. Бу маслаҳат органининг фаолияти айрим тарихий даврлар ва шароитларда кучайган ёки айрим ҳукмдорларнинг ўзбошимчалиги кучайган даврларда имконият доираси янада торайган, таркибида муайян ўзгаришлар содир бўлган.

Ўрта Осиё хонликларидаги маъмурий, диний, ҳарбий мансаблар бир-биридан ажратилмаган эди. Яъни, мингбоши, парвоначи, девонбеги, додхоҳ каби мансаб эгаларининг ҳарбий соҳада ҳам, маъмурий бошқарувда ҳам фаолият юритганлиги бу қарама-қарши характерга эга ҳолатларни келтириб чиқарган. Жумладан, ҳарбий ишнинг моҳиятини тўла англамаган ва жанговар ҳаракатларни бошқариш қобилиятига эга бўлмаган амалдорларнинг ҳарбий мансаб ва унвонларга тайинланиши уларнинг бу борадаги фаолиятларининг самарасизлигига олиб келган. Шунингдек, ҳарбий мансабдорларнинг марказий ва маҳаллий бошқарув тизимида мавжуд турли амалларга тайинланиши ҳам кутилган натижани бермаган. Улар фукароларнинг кундалик турмушлари, иқтисодий ҳаётни бошқаришда етарли тажрибага эга эмас эдилар. Бу эса ўз навбатида улар томонидан мамлакат бошқарув тизимининг турли бўғинлари ишини тушунмаслик ва турли суиистеъмолликларга олиб келган.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998. – 31 б.

2. Манбалар.

1. Абу Убайдуллоҳ Тошкандий. Хулосат ул-ахвол ЎзР ФА ШИ қўлёзма № 2084. – 148 в. *ابو اوبيدولاه تاشكندى. خلاصت الاحوال*
2. Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандий. Тарихи жаҳоннамойи / форсчадан Ш. Воҳидов таржимаси // Шарқ Юлдузи. 1991. – № 8. – Б. 119-137
3. Маҳмуд Ҳаким Яйфоний. Хуллас ут-таворих. ЎзР ФА ШИ литографик нашр № 304. – 79 б. *محمود حكيم ييفانى. خلاص التواريخ*
4. Мирза Бади Диван. Маджма ал-аркам Приемы документации в Бухаре XVIII в. / Введение, перевод, примечания и приложения А.Б. Вильдановой. – М.: Наука, 1981. – С. 92-116
5. Мирзоолим Мушриф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавокин / Нашрга тайёрловчилар А.Матғозиев, М.Усмонова. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. – 128 б.
6. Мулла Ниёз Муҳаммад бин Ашур Муҳаммад Ҳўқандий. Тарихи Шоҳруҳий. ЎзР ФА ШИ қўлёзма № 4463. – 252 в. *ملا نياز محمد بن عاشور محمد خوقندى. تاريخ شهرخى*
7. Мулла Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон / Нашрга тайёрловчилар Т.Алимардонов, Н.Абдул Ҳаким. – Қарши: Насаф, 1992. – 148 б.
8. Ҳожи Муҳаммад Ҳакимхон Маъсумхон Тўра ўғли. Мунтахаб ут-таворих. ЎзР ФА ШИ қўлёзма № 594. – 669 в. *حاجى محمد حكيم حان بن سيد معصوم حان. منتخب التواريخ*
9. Muhammad Hakim khan. Muntakhab al-tawarikh vol. II, Edited by Yayoi Kawahara & Koichi Haneda. ILCAA 2006.Tokyo. – 716 p.
10. Муҳаммад Рафи Ансори. Дастур ал-мулук (Устав для государей.) / Предисловие, перевод, примечания и указатели А.Б.Вильдановой. – Т.: 1991. – 139 с.
11. Муҳаммад Фозилбек. Мукаммали тарихи Фарғона. ЎзР ФА ШИ қўлёзма № 5971. – 161 в. *محمى فاضل بيك . مكمّل تاريخ فرغانه*
12. Мулло Юнус шиғовул додхоҳ. Тарихи Алиқули Амирлашкар. ЎзР ФА ШИ қўлёзма № 12136. – 195 в. *ملا يونس شفاول دادخواه. تريخى على قولى اميرلشكر*
13. Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алимқули Амирлашкар / Нашрга тайёрловчи Ш.Воҳидов // Шарқ Юлдузи. – Тошкент, 1996. – № 1. – Б. 215-223.; – № 2. – Б. 208-223.
14. Исҳоқхон Иброт. Фарғона тарихи / Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Бобобеков, М.Ҳасаний – Т.: Камалак, 1991. – Б. 266-327

3.Архив хужжатлари.

1. ЎзР МДА. Фонд И-1. Канцелярия Туркестанского генерал-губернатора.
2. ЎзР МДА. Фонд И-19. Ферганское областное управление.
3. ЎзР МДА. Фонд И-36. Управление начальника города Ташкента.
4. ЎзР МДА. Фонд И-126. Бухоро Кушбегиси архиви.
5. ЎзР МДА. Фонд И-715. Туркестанский край сборник материалов для истории его завоевания.
6. ЎзР МДА. Фонд И-1043. Архив Кокандских ханов.

5. Адабиётлар.

1. Абдураимов М. Кошбеги, а не кушбеги // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. № 11. 1974. – Б. 54-60
2. Анке фон Кюгельген. Легитимация Среднеазиатской династии Мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIXвв.) Алматы: Дайк-Пресс, 2004. – 516 с.
3. Ахмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии. XVI – XVIII вв. – Т.: Фан, 1985. – 262 с.
4. Ахмедов Б.А. Ўзбекистон тарихининг манбалари – Т.: Фан, 1991. – 268 б.
5. Ахмеджанов Г.А. Российская империя в Центральной Азии. – Т.: Фан, 1995. – 199 с.
6. Бейсембиев Т.К. «Тарихи-Шахрухи» как исторический источник. –Алма-Ата: Наука, 1987. – 198 с.
7. The Life of Alimqul / Edited and translated by Timur Beisemdiev. –London: 2003. –116 p.
8. Вельяминов-Зернов В.В. Сведения о Кокандском ханстве // Вестник Русского Географического Общества. – Спб.: 1856. Т. 18. – С. 107-152.
9. Воҳид Ш. Кўкон хонлигидаги унвон ва мансаблар // Шарқ Юлдузи. – Тошкент, 1995. – № 3 - 4. – Б. 214 -223.
10. Вохидов Ш., Холикова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан. –Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 71 б.
11. Семенов А.А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в Средневековой Бухаре // Советская этнография. –Москва, 1948. – С. 137-153
12. Семенов А.А. Очерк устройства центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени. – Сталинабад: 1954. – 75 с.
13. Сооданбеков С.С. Общественный и государственный строй Кокандского ханства. – Бишкек: 2000. –144 с.

